

## **PISA BAҲОЛАШ ДАСТУРИДА КОМПЕТЕНЦИЯ ТУШУНЧАСИ**

**Бекташев Бахромжон Бахтиярович -  
Андижон давлат педагогика институти,  
Ижтимоий фанлар кафедраси  
ўқитувчиси.**

**Аннотация:** Ушбу мақоламизда PISA баҳолаш дастуридаги асосий тушунчалари ва амалий таҳлили ёритилган. Халқаро адабиётлардан таҳлил қилинган ҳолда “компетенция”, асосий “таянч компетенция” ва “саводхонлик” тушунчаларига кенг тўхтаб ўтилган.

**Таянч сўзлар:** компетенция, саводхонлик, когнитив, билим, малака, кўникма, потенциал, тажриба.

Жаҳон адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, “компетенция” тушунчаси бўйича ягона атама мавжуд эмас. Н.Норрис (N.Norris) бу ҳолатни “назарий бетартиблик”[1;331-341] деб такидлайди ва бу халқаро ҳамда миллий солиштирма дастурларда турли тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Компетенция атамаси бошқа категориялар, жумладан «билим», «малака», «кўникма» ва бошқа категорияларга нисбатан мураккаб тузилмага эга эканлиги билан ажралиб туради.

«Компетенция» атамаси халқаро баҳолаш дастурларнинг шаффофлигини таъминловчи восита ҳисобланади[2;27–36]. Ж.Эрпенбек ва Л.Вон Розентиел (J. Erpenbeck & L. von Rosentiel)[3; 13-14] томонидан компетенцияларни уч турга: «субъектга боғлиқ хусусиятлар (Қандай билимларга эга?), амалга оширишга бўлган муносабатлар (Қандай амалга оширади) ва эришадиган натижаларга (қандай натажаларга эришади?)» бўлинишини таъкидлайди. Компетенция атамаси педагогика, психология, ижтимоий-иқтисодий фан жабҳаларида кенг ишлатилиб келинмоқда. Компетенция атамаси қобилият, потенциал, малака, кўникма, тажриба, захира сўзлари билан бир қаторда ишлатилади. Педагогикада компетенция атамаси билим, малака ва кўникмалар атамаларидан сўнг, дастлаб меҳнат бозорида мутахассисларга қўйилган талабнинг шаклланишидан келиб чиққан ва бу атама илк бор 1970-йилларда немис олими Д.Мартен (D. Marten) томонидан «Schlüsselkompetenz» атамаси билан қўлланилган[4;5-15]. Бу атама инглиз тилида «key competence» ёки рус тилида «Ключевые компетенции» атамаларига мос келади. Компетенция атамаси «малака» атамаси ўрнида қўлланила бошланган. Шунингдек, жамиятда «хизмат кўрсатиш жамиятидан» «фан жамиятига» ўтиш орқали тармоқлараро билим, кўникма ва малакаларга эътибор кенг қаратилган. Шундан компетенция атамасига талаб ошиб борган[5; 19].

Компетенция атамасига «Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида» қуйидагича изоҳланади: компетенция (лот. completo – эришяпман, муносибман, лойиқман) 1) муайян давлат органи (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи) ёки мансабдор шахнинг қонун, устав ёки бошқа ҳужжат билан белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси; 2) у ё бу соҳадаги билимлар, тажриба[6;30]. Шу боисдан унинг талкинлари ҳам хажман, ҳам таркибига кура, ҳам маъно, мантик мундарижаси жихатидан турли-тумандир. “Компетентлик”, “Компетенция” тушунчалари тавсифларида қуйидаги ҳолатларга алохижа эътибор қаритлади.

- Билимлар мажмуининг амалда кулланилиши;
- Шахнинг укуви, ҳислатлари, фазилятлари;
- Амалий фаолиятга тайёргарлик улчови;

**“Oliy ta’lim muassasalarida ta’lim, fan, innovatsiya va ilmiy tadqiqotlarning salmoqli natijalari: muammo va yechimlar” mavzusida Respublika ilmiy anjuman to’plam materiallari 2024-yil 19-aprel kun.**

- Муамоларни хал этиш, амалда зарур натижаларни кулга киритиш лаёкати;  
- Шахсинг профессионал фаолиятини таъминловчи билим, куникма, малакалар яхлитлиги;

- Фаоллашган (амалиётга тадбик этилган) укув, билим, тажрибалар мажмуи;  
- Шахсинг максадли йуналтирилган эмоционал кучи

Дастурчилардан Т.Қўлдошев ҳамда Р.Одинаевларнинг таърифича, «Компетенция сўзи кенг маънода – умумий ёки муайян кенг қамровли масалаларни ечишда мавжуд билим ва кўникмаларни амалий тажрибада қўллаш олиш қобилиятини англатади»[7;4]. Шу билан бирга, «компетенция» атамасини «билим» атамасидан фарқини куйидагича кўрсатиб ўтади. «Вазифани амалий бажармасдан туриб, уни аниқлаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайди. Малака компетентликнинг муҳим мезони бўлиб, у турли ҳолатларда, шу қатори муаммоли вазиятларда ҳам бир неча бор қўллаш натижасида намоён бўлади»[8;41].

«Билим» ўқиш орқали маълумотларни қайта ишлаш натижаларидир. Билимлар фактларнинг умумлашмаси, асосий қонуниятлари, маълум соҳа назарияси ва амалиёти шулар жумласидандир. Европа Иттифоқи малака даражалари тавсифномасида «билим» «назария ва фактларга оид билимлар» каби тавсифланган. «Кўникмалар» топшириқларни ечиш ва муаммони ечимини топишда «билимларнинг қўлланилиши», янгиликлар «Know-how» қўллаш тушунилади.

Шу ўринда давлат таълим стандартларида компетенция атамасига берилган изох ҳам муҳим аҳамиятга эга:

– билим – ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш;

– кўникма – ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллаш олиш;

– малака – ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларга қўллаш олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш;

– компетенция – мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятга қўллаш олиш қобилияти»[9;8].

PISA баҳолаш дастурида “literacy” атамаси ишлатилган бўлиб, ўзбек тилидаги «саводхонлик» атамасига тўғри келади. Мазкур атама маълум бир шахсинг жамиятда мавжуд асосий таянч компетенциялари мажмуасини англатади. Бу ерда мактаб дарсликларидаги билимлар билан эмас, балки ўқувчининг жамиятдаги зарурий компетенциялари назарда тутилган. Ўқувчи ўз ҳаёти давомида турли муаммоли вазиятларни еча олиш кўникмаси шаклланиб боради ва маълум бир вазиятларда ўз ғоя ва қарашларини қўллаш олиш орқали асосий таянч компетенциялари ривожланиб боради. Мактаб таълими, мустақил таълим, оила муҳити, атроф-муҳит, мактабдан ташқари муҳит ўз таъсирини кўрсатади ва шу тарзда касбий фаолиятига тайёргарлик кўради. Касбий фаолиятнинг таркибий қисмлари бўлмиш “масъулиятлилик”, “ўз фаолияти учун жавобгарлилик”, “гуруҳларда ишлаш”, “ўз натижаларини намойиш этиш”, “муаммоли вазиятларда ўзини бошқариш” каби шахсий компетенциялар ҳам асосий таянч компетенциялар билан параллел шаклланиб боради. Ўқувчиларнинг асосий таянч компетенциялари 2 турга бўлинади: баҳолаш мумкин бўлган ва баҳолаш мумкин бўлмаган компетенциялар. Баҳолаш дастурлари ўқувчиларнинг асосий таянч компетенциянинг ташкил этувчи компонентларини квантатив жиҳатдан ўлчаш, кузатиш, таққослаш имкониятини бермайди. Жумладан, ўқувчининг мотивацияси, кизиқиши, интилувчанлиги, тасавури, ёндошуви шунингдек ижтимоий компетенцияларини ўлчаш имконсиздир. Дастурларда хаамиша қисқа вақт ичида аниқ рақамларда ўлчаш мумкин бўлган методлар танланади. Шу сабабдан фақатгина топшириқлар орқали аниқ рақамларда таянч компетенцияларнинг асосий

элементларини ўлчаш имконини беради. Қолган элементларни эса контекстуал кўрсаткичлар асосида квалитатив усулда, фоизларда аниқлаш имконияти мавжуд. Контекстуал кўрсаткичлар эса ўқувчининг асосий таянч компетенцияларининг шаклланиш шарт-шароитлари сифатида кўрилади. Жумладан, дастурда ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар ва мактаб раҳбарияти учун мўлжалланган сўровномалар асосий таянч компетенцияларнинг шаклланиши шарт шароитларини таҳлил қилади. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, дастурда иштирок этувчи давлатларнинг таълимга маъсул шахслари, илмий-дастур ишлари кўп жиҳатдан мазкур шарт-шароитларни таҳлил қилиши ва шу асосида кейинги дастурда ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш юзасидан янги концепциялар ишлаб чиқишади.

#### **Фойдаланган адабиётлар**

1. N. Norris Norris. The trouble with competence// Cambridge Journal of Education, 1991, 21(3), 331–341. <https://doi.org/10.1080/03057649102103071991>
2. J. Bjornavold. Lernen sichtbar machen: Ermittlung, Bewertung und Anerkennung nicht formal erworbener Kompetenzen// CEDEFOP, 22, 27–36.
3. D.S. Rychen, L.H. Salganik. Key Competencies for A Successful Life and a Well-Functioning Society// Hogrefe & Huber, p.13-14
4. E. Klieme, J. Hartig. Möglichkeiten und Voraussetzungen technologiebasierter Kompetenzdiagnostik. Eine Expertise im Auftrag des Bundesministeriums für Bildung und Forschung// Bonn u.a.: BMBF, 2007, p. 5-15
5. M. Baethge. Berufsbildungs-PISA// Göttingen 2006, p.19
6. J. Erpenbeck & L.von Rosentiel. Handbuch der Kompetenzentwicklung// 2003a; 2003b; p.30
7. D.Marten. Schlüsselkompetenz// Berlin 1985, p. 4
8. Joachim Borner. Die Entwicklung und Strukturierung des Kompetenzbegriffes Von der Qualifikation zur Kompetenz// p.41
9. Н.Ш. Турдиев, Ю. М. Асадов, С.Н. Акбарова, Д.Ш. Темиров. Умумий урта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари// Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, Тошкент 2015,- Б.8